

РАВШАН ХАМДАМОВИЧ АЮПОВ

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН
УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тошкент – 2020

*«Боши билан шўнгиб кирмаса ҳар дам,
Сув остида дурни топарми одам?»
Алишер Навоий*

Р.Х.Аюпов. *«Таълимда инновацион усуллардан фойдаланиш».* Тошкент,
2020 йил, 203 бет.

А Н Н О Т А Ц И Я

«Таълимда инновацион усуллардан фойдаланиш» деб номланган ушбу ўқув қўлланма янги инновацион педагогик технологиялар йўналишига бағишланган бўлиб, унда хилма хил соҳаларда дарс берувчи профессор-ўқитувчи, лектор ва маърузачилар учун дарс беришнинг (*ёки оммага маълумот беришнинг*) бир қанча интерфаол услубда бўлган замонавий усуллари ҳамда дастурий-техник воситаларининг имкониятлари ёритилади. Қўлланмада бундан ташқари, бир қанча интерфаол таълим усуллари, амалий иш ўйинлари, активаторлар, кучайтиргичлар, бошқотирмалар ва музёранлар берилганки, уларни амалиётда қўллаш дарсларни яна ҳам қизиқарлироқ ва фаолроқ қилишга ёрдам беради. Рисолада ёритилган интерактив мулоқот тизимлари эса дарс давомида талабалар билан бевосита мулоқот қилишнинг замонавий дастурий-техник воситалари бўлиб, улар воситасида ўқитувчи (*лектор ёки бирор бир мавзунини оммага тақдимот этувчи*) ва талабалар (*тингловчилар*) орасида реал вақт режимида тўғридан-тўғри ахборот алмашинуви амалга оширилади. Бундай дастурий-технологик тизимларда компьютер, ўқитувчи ва талабалар орасида симсиз алоқа мавжуд бўлиб, стандарт (*ёки махсус*) тақдимотлар дастурий таъминоти орқали маълумот алмашилади. Талабаларнинг тизим билан алоқаси махсус пультлар (*телевизорникига ўхшаши*), мобил телефонлар ёки Интернет орқали амалга оширилиши мумкин бўлади. Бундай технологияни турли хил номлар билан аталади, масалан, талабалардан маълумот қабул қилувчи тизимлар, реал вақт режимида жавоб берувчи тизимлар, тестлаштирувчи тизимлар, интерфаол алоқа тизимлари, талабаларнинг мулоқот тизимлари ва бошқалар. Таълим тизимда эса талабаларнинг интерфаол мулоқот тизимлари (SRS) ёки аудитория мулоқот тизимлари (ARS) деган номлар қабул қилинган. Талабаларнинг қўлларида

бўлувчи махсус дистанцион пультарни эса кўпинча «*Clicker – Туртгич*» деб ҳам аталади. Бозорга кейинги пайтларда кириб келган бундай интерфаол мулоқот тизимлари махсус дастурий таъминотни ҳам талаб қилмайди, улар очик архитектура тамойилига асосланиб ишлайдилар ва маълумотларни мобил телефонлардан, смарт телеқурилмалардан, шахсий ва планшет компьютерлардан бемалол қабул қила оладилар. Ушбу рисолада ақлли синф (***Smart Class***) инновацион таълим технологиялари комплекси (*шу жумладан, TMS-Team Model Smart Classroom, ezStation- Lecture Capture System, HiLearning-Student Tablet Solution, ezVizion-Document Camera, Haboard-Interactive Whiteboard System, HiTech-Interactive Teaching System, WebClick-Web Interactive Response System, ClouDAS-Cloud Computing, Diagnosing and Analysing Service, EEE Learning-Engage, Enrich, Enhance Learning, III Learning-Innovative, Interact, Improve Learning* каби замонавий таълим технологиялари тизимлари) нинг ташкил этувчилари ва уларни таълим жараёнида қўллаш бўйича етарлича маълумот берилган. Бундай турдаги тизимларга янги турдаги функционал имкониятлар, шу жумладан, алоҳида сўзлар булутлари (*word clouds*) га ажратилган исталган турдаги матнлар, *Ха/Йўқ* ёки *Тўғри/Нотўғри* туридаги саволларни ва кўп вариантларни танлашга асосланган тестлар стандарт дастурий таъминот асосида осонлик билан қўшилиши мумкин. Ушбу *Таълимда инновацион усуллардан фойдаланиш* деб номланган рисола ўз фаолиятида замонавий таълим инновацион технологияларини қўллашни истаган барча профессор-ўқитувчилар, лекторлар ва маърузачилар учун мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

*Аввал-охир хўблар кетти, қолдим ёлғиз,
Нодонлардин эшитмадим бир яхши сўз,
Доно кетти, нодон қолди, едим афсус,
Йўлни топмай, ҳайрон бўлиб қолдим мано.
Хожа Аҳмад Яссавий*

КИРИШ	6
1. Инновацион таълимнинг мақсади ва вазифалари	8
2. Та'лимда innovatsion texnologiyalarning qo'llanilish istiqbollari	12
2.1. <i>Ta'lim texnologiyasidagi besh asosiy yo'nalish</i>	12
2.2. <i>Ta'limning shaxsga yo'naltirilganligi</i>	14
2.3. <i>Komp'yuter o'yinlari orqali ta'lim berish</i>	15
2.4. <i>Interaktiv o'quv qo'llanmalari</i>	17
2.5. <i>Video o'yinlar orqali ta'lim olish usuli</i>	19
3. Интерактив мулоқот тизимлари воситасида таълим бериш усуллари	23
3.1. <i>Интерактив мулоқот тизимлари ҳақида таҳлилий маълумотлар</i>	23
3.2. <i>Инфрақизил нурлар асосида ишлайдиган пультлар (IR) билан таъминланган тизимлар</i>	34
3.3. <i>Радиотўлқинлар асосида ишлайдиган пультлар (RF) билан таъминланган тизимлар</i>	36
3.4. <i>Интернетга асосланган интерактив мулоқот тизимлари</i>	37
3.5. <i>Интерфаол мулоқот тизимларидан фойдаланиш бўйича умумий хулосалар</i>	56
4. Интерфаол таълимнинг турли усуллари	59
4.1. <i>Маъруза усулида таълим бериш ва уни ташкил қилиш</i>	59
4.2. <i>Сукрот усули ёки савол-жавоблар воситасида таълим бериш</i>	71
4.3. <i>Мулоқот воситасида дарс бериш усуллари</i>	77
4.4. <i>Танқидий мушоҳада усулини дарс жараёнида қўллаш</i>	85

<i>4.5. Кооператив усулда таълим бериш</i> _____	105
5. Мавзуларни тақдимот қилиш усуллари _____	113
<i>5.1. Мавзунини тақдимот қилиш ва талабаларни тартибга чақириш усуллари</i> _____	113
<i>5.2. Оммавий чиқишлар ва маърузаларни ташкил қилиш</i> _____	117
<i>5.3. Интерфаол ва самарадор дарс режаларини тузиш</i> _____	121
<i>5.4. Интерфаол дарс ўтказиш жараёнида ишлатиладиган тадбирлар</i>	126
6. Интерфаол таълим тизими дастурий-техник таъминоти тавсифи ____	137
<i>6.1. Ўқитиладиган синф (гурух) ҳақидаги материалларни тайёрлаш</i> _	142
<i>6.2. Ўқув материалларини тайёрлаш жараёни</i> _____	148
<i>6.3. Тизимдаги интерактив фаолият турлари</i> _____	163
<i>6.4. Ҳисоботлар</i> _____	177
Иловалар _____	182
<i>Ўз-ўзини холисона баҳолаш усули</i> _____	182
Фойдаланилган адабиётлар ва маълумотлар _____	197

КИРИШ

*«Ким билимни ўлчар дунё, мол билан,
У гавҳарни тенг қилар сопол билан».
Саъдий Шерозий*

Хозирги даврда педагогикада инновацион таълим усуллари ва дастурий-техник воситаларини қўллашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу йўналиш бўйича охириги йилларнинг ўзида бир қанча халқаро анжуманлар ўтказилганки, уларда муҳокама қилинаётган масала ва муаммолар бу соҳанинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Мисол сифатда Ўзбекистонда (октябрда), Тайванда (августда), Европада мамлакатларида (май ойида), АҚШ да (июнда) ва Бирлашган Араб амирликларида (октябрда) ўтказилган инновацион технологияларни таълим жараёнида қўллаш масалаларига бағишланган конференцияларни кўрсатишимиз мумкин. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бизнинг жамиятимиздаги кўпчилик инсонлар ўқитувчиларни кунлар, хафталар ва ойлар давомида ўқитиладиган фан бўйича аста-секинлик билан турли хил кўрсатма ва топшириқлар берадиган ҳамда бир маромда қандайдир билимлар мажмуасини ўқувчиларга сингдирадиган зерикарли мутахассислар сифатида тушунадилар. Лекин уларнинг қандай кўрсатма ва топшириқлар беришлари, қандай дастурий-техник воситалардан фойдаланишлари ҳамда бундай усуллар қандай самара беришини кўпчилик билмайди ёки тушунмайди. Йиллар давомида таълим беришнинг бир қанча усуллари, услубияти, технологияси ва дастурий-техник воситалари вужудга келганки, уларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Баъзи бир таълим бериш услублари ёш болаларнинг билим олиш жараёнини ўрганиш асосида ташкил этилган бўлса, бошқалари дарс бериш жараёнида руй берадиган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Ўқитиш услубиятининг яна бошқа бирлари эса бир қанча олимлар томонидан ишлаб чиқилган фалсафий-мантиқий моделлар асосида, масалан, Сукрот услубида, мулоқот усулида ёки корпоратив усулда ташкил қилинган. Ундан сўнг ўқитишни махсус таълим бериш моделлари асосида ташкил этиш кенг миқёсда

амалга оширила бошланди. Бунда ўқувчи-талабаларнинг маълум бир соҳа ёки фандан билим олишлари махсус усуллар, моделлар, таълим стандартлари ёки стратегиялар асосида амалга оширилар эди. Баъзи бир моделларда ўқитувчи доминант ролида бўлиб, барча таълим бериш вазифаларини ўзи хал қилар, бошқаларида эса талабаларга тўла эркинлик берилиб, уларни демократик тамоиллар асосида ўқитилар, яна бошқа бирларида эса талаба ва ўқитувчи орасида тенглик ҳамда ижодий фикр алмашилиш жараёни амалга оширилиб, ўзаро мулоқот воситасида интерфаол таълим жараёни амалга оширилар эди. Аммо ҳозирги пайтдаги таълим бериш жараёни асосан синфда ёки махсус жиҳозланган хоналарда талабалар ва ўқитувчининг ўзаро мулоқоти орқали амалга оширилади. Шундай қилиб, ҳозирги даврдаги таълим бериш жараёнини қуйидаги асосий жиҳатлар билан ифодалаш мумкин:

- Ўқитувчининг фаолияти нафақат илмий-амалий асосда, балки ижодий-артистик асосда ҳам амалга оширилиши лозим;
- Ўқитувчининг дарс бериш жараёнидаги роли анча мураккаб бўлиб, унинг ўзига хос тарихий ва замонавий жиҳатлари мавжуд. Олдинги даврларда ўқитувчиларнинг фақатгина замонавий билимлар бериши талаб қилинса, ҳозирда улардан тарбиявий, маданий-маънавий, сиёсий ва амалий билимлар бериш ҳам талаб қилинади;
- Ўқитувчиларга бўлган талаб ҳам сезиларли даражада ошди ва энди улар нафақат илмий, балки маърифий ва амалий билимларни ҳам пухта эгаллашлари зарур бўлаяпти;
- Илм, фан ва техниканинг жадал ривожланиб бориши, янги техника ва технологияларнинг жамиятнинг барча қатламларига кириб бориши, информацион технология воситаларининг барча давлат ва нодавлат муассасаларида қўлланилиши ўқитувчилардан узлуксиз билим олиш ҳамда керакли бўлган дастурий-техник воситаларни ўзлаштиришни талаб қилаяпти;
- Ўқитувчиларнинг фаолияти кўп қиррали бўлиб, улар бошқарувчи, мулоқот қилувчи, йўналтирувчи, ташкил этувчи ва баҳоловчи ролларини амалга оширишлари керак бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган барча муаммолар ва салбий жиҳатлардан кутулиш ҳамда таълим сифатини оширишнинг энг асосий йўлларида бири инновацион таълим бериш усуллари кўллаш бўлиб, қуйида биз ушбу *Таълимда инновацион усуллардан фойдаланиш* деб номланган қўлланмада замонавий таълим бериш услубияти, технологияси ва дастурий-техник таъминотининг бир қанча имкониятлари ва қонун-қоидалари билан танишиб чиқамиз.

1. Инновацион таълимнинг мақсади ва вазифалари

*«Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,
Ақлдан борлигу, йўқлигу, камлик».
Фирдавсий*

Инновацион таълим усуллари ва воситаларини таълим тизимига жорий қилиш ёш авлодга пухта билим бериш, халқ хўжалиги тармоқлари учун билимли мутахассислар тайёрлаш, мамлакатимиз учун жаҳон миқёсида рақобатбардош кадрлар етиштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси учун келажакда муносиб ўринбосарлар тайёрлаш мақсадида амалга оширилади. Аммо ҳозирда таълим бериш жараёнида асосий диққат-эътибор таълим муассасаларида қандай фанлардан дарс бериш, қандай таълим стандартларига риоя қилиш ва қандай китоблардан фойдаланишга қаратилди, холос. Бунда минг афсуски, таълим беришнинг асосий фактори ва юритувчи кучи бўлган бир нима бироз ёддан чиқарилди – бу энг асосий фактор эса шак-шубҳасиз - **ЎҚИТУВЧИДИР!** Бу борада таълим соҳасида ҳозирги замонга мос бўлган қуйидаги нобоп фикр хукмрон десак ҳам бўлаверади: *«Ҳар қандай фан бўйича малакали ўқитувчини осонгина тайёрлаш мумкин ва у ўқув жараёни механизмнинг бир детали сифатида исталганча дастурланиши ва йўналтирилиши мумкин!?»* Бу тезис ўзидан ўқитувчининг жамиятдаги мавқеини пасайтириб, ўқувчиларнинг унга бўлган ҳурмат ва эътиборига сезиларли даражада путур етказди. Натижа ҳам дарҳол аён бўлади – малакали ўқитувчи бўлишга интилиш йўқолиб, бу соҳада етук мутахассис бўладиганлар сони кескин камаяди. Лекин бундай бир томонлама ёндошув ҳозирги катта тезлик билан ривожланаётган ҳаётга асло мос келмайди ва уни мамлакатимиздаги уйғониш ҳамда жадал ривожланиш даврига мос бўлган қуйидаги тезис билан алмаштириш мақсадга ва ақлга мувофиқдир: *«Малакали ўқитувчини тайёрлаш жуда мураккаб ва қиммат турадиган фаолият*

тури бўлиб, у ўқув жараёнининг ижодий, яратувчи ва юритувчи кучидир. Ҳар бир ўқитувчини жуда ҳам қимматли инсоний заҳира сифатида ҳисоблаб, уни сақлаш ва унинг жамиятдаги мавқеини имкон даражасида кўтариш мамлакатнинг узоқ муддатли стратегик мақсадларига айнан мос келади».

Ҳақиқатан ҳам ўқувчиларга таълим бериш ва малакали ўқитувчи бўлиш жуда мураккаб ҳамда кўп ижодий меҳнат талаб қиладиган фаолият туридир. Бизнинг жамиятда ўқитувчилик профессионал иш тури ҳисобланиб, уларнинг жамиятга таъсири ва аҳамияти беқиёсдир. Улар бирор бир соҳанинг профессионал мутахассиси ва малакали эксперти ҳисобланиб, ўқувчи-талабаларга керакли билимларни эгаллашларига ҳамда малакали мутахассис бўлишларига ёрдам берадилар. Замонавий ўқитувчилар тиббиёт, техника, иқтисодиёт бошқа соҳа мутахассисларига ўхшаб, ўзига хос қоида ва стандартлар асосида ишлайдилар. Бошқа томондан назар солганда, ўқитувчилик ҳам ўзига хос санъат даражасида бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ўқитувчи ўқувчи-талабаларга бирор бир фан ёки мавзу бўйича таълим бераётганида унинг «*Қандай қилиб, қайси усуллар орқали билим олиш жараёнини фаоллаштириш мумкин?*» – деган ҳаққоний саволни ҳал қилиш зарурияти келиб чиқади. Барча замонларнинг ва мамлакатларининг олим ҳамда етакчи мутахассислари бу ҳақда кўп йиллардан буён бош қотириб келишгани ҳеч кимга сир эмас. Буларнинг ичида энг инқилобий ва ижобий фикрни, бизнинг фикримизча, инсонларнинг билим олиш жараёнини ўрганиш бўйича йирик Ғарб мутахассиси Блум билдирган ва ўзининг машҳур актив (*фаол*) билим олиш тизими концепциясини ишлаб чиққан. Бу тузилма кўпинча «*Билим олишнинг олти поғонаси ёки Блум таксономияси*» деб аталади. Бу таксономия қуйидаги асосий босқичлардан иборат:

Билим олиш – Асосий далилларни қидириш ва топиш, хотирада сақлай олиш, тавсифлаш, таниш, қайта жонлантириш, номини айтиш, изланиш, тузилишини билиш ва кўрсатиш кабилар орқали амалга ошади.

Тушуниш – қайта сўзлаш, моҳиятини тушуниш, тушунтириш, тасвирлаш ва бошқача усулда ҳамда бошқача сўзлар билан таърифлай олиш натижасида эришилади.

Ишлатиш (қўллаш) – олинган билимни бошқа шароитларда қўллаш (*ишлатиш, ечиш, тажриба ўтказиш, қўллаш, кузатиш, олдиндан башорат қилиш, бирор–бир муаммони хал қилиш*) ни ўз ичига қамраб олади.

Таҳлил (Анализ) – тушунчалар орасидаги асосий муносабатларни аниқлаш ва уларнинг моҳиятини тушуниш – соҳа материалини (*билимни, ходисани, машинани, маълумотни*) ташкил этувчиларга (*таркибий қисмларга*) бўлиб чиқиш ва уларнинг ҳар бирининг вазифасини тушуниб чиқиш. Оддийдан мураккабга ва мураккабдан оддийга йўналишида таҳлил қила олиш (*қисмлар орасидаги муносабатларни аниқлаш, бир–бирига улаш, бирлаштириш, бўлиб чиқиш, туркумларга ажратиш, гуруҳларга ажратиш, умумий қонуниятларни топиш, тоифаларга бўлиб чиқиш*).

Синтез – янги нарсани (*билимни, предметни, машинани*) унинг бир қанча қисмларидан (*бўлақларидан*) ва уларнинг хоссаларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиш (*тузиш, конструкция йиғиш, комбинациялаш, янги фикр яратиш, янги фаразларни таклиф қилиш*), уларни синашни амалга ошириш ва натижа асосида янгиларини мавжудларига рақобатчи (*конкурент*) сифатида ишлаб чиқиш.

Баҳолаш – эришилган натижани аниқлаш, қарор қабул қилиш ёки ечим топиш (*баҳолаш жараёнини амалга ошириш, хал қилиш, сабаб ва оқибат занжиридаги алоқаларини аниқлаш, тоифаларга бўлиш ва уларни аниқлаш*).

Ушбу қўлланмада таълим соҳасидаги жаҳон адабиётида мавжуд бўлган ва атрофлича ўрганилган ҳамда кўпчилик илғор ўқитувчилар томонидан реал ҳаётга татбиқ қилиниб, қониқарли натижалар олинган худди шу ёки шунга ўхшаш усулларга, технологияларга, маслаҳатларга ва кўрсатмаларга таянилди. Уларни ҳаётга татбиқ қилиш йўллари ва усулларини олинган ҳаётий тажрибалар асосида баҳоли-қудрат ёритилди. Чунки бизнинг истак ва талабимизга умуман боғлиқ бўлмаган ҳолда Блумнинг бу усули ҳозирча мағрибда ҳам, машриқда ҳам билим олишнинг (*беришнинг, ўзлаштиришнинг*) энг яхши усулларида бири бўлиб хизмат қилмоқда. Ўқувчи (талаба)лар ушбу замонавий таълим усулларни ишлатишлари, тегишли фанлардан тўлақонли сабоқ олишлари ва фанни тегишли босқичда яхши (*аъло*) ўзлаштиришлари учун улар гимназия (мактаб, лицей,



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/4740> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4740> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4740>